

Хўжалик бўлими



Фойдаланиш техника ва хўжалик бўлими бошлиғи

Ходжибабаев Хасан Абдумажитович

Тел: +99871 237-34-98

Фойдаланиш техника ва хўжалик бўлими

Бўлим институтнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, кафедра, лаборатория, маъруза хоналарида билим олиш учун шарт-шароитлар яратиш, талабалар уйларида яшаш учун зарурий ижтимоий-маиший шароитни таъминлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, давлат мулкани асраб авайлаш, сақлаш институт худудида, ўқув биноларида, талабалар уйлари тиклаш-таъмирлаш ишларини бажариб, худудни кўкаламзорлаштириш ишларини ташкиллаштиради. Фойдаланиш техника ва хўжалик бўлими таркиби қуйидагилардан иборат

- 1 Бош энергетик
- 2 Ўқув илмий база
- 3 Ўқув ишлаб чиқариш устахонаси
- 4 Қурилиш гуруҳи
- 5 Иссиқлик қозонхонаси
- 6 Механика бўлими

Ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси

Институтнинг ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси таркибий қисми дурадгорлик, механика, пайвандлаш ва чилангарлик цехларидан ташкил топган бўлиб, у ерда талабаларнинг ўқув амалиёти олиб борилади. Талабаларга амалиётда механика, пайвандлаш ва чилангарлик машғулотларидан маҳорат дарслари ўтказилади.

Шу билан бирга ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси ишчи ходимлари кафедра ва бўлимлардан келиб тушган талабномалар асосида таъмирлаш, тузатиш ишларини олиб боришади.



Мурожаат учун: Ўқув ишлаб-чиқариш устахонаси мудири

Бўронов Хайрулла Хайитбаевич

Тел: 237-19-03, +99894 634-17-40

Ўқув илмий база

Ўқув илмий базада мавжуд автотранспорт воситалари институт томонидан келиб тушган буюртмалар бўйича техник хизмат кўрсатишни амалга ошириб келади. Базада жами 13 та транспорт воситаси мавжуд бўлиб, шундан 7 таси ўқув машқ машинаси, 1 та юк ташиш транспорти, 1 та хизмат кўрсатувчи автобус, 4 та хизматчи ва навбатчи автомашиналаридир. Транспорт воситалари мавсум ҳолатига қараб тайёрланиб, йиллик техник ва метрология кўрикларидан ўтказилади.

Базада “Йўл ҳаракати қоидалари” ҳамда “Автотраспорт воситасининг тузилиши” маъруза хоналари мавжуд бўлиб, давлат стандартлари асосида жиҳозланган. База ҳудудида “Эстакада”, техник хизмат кўрсатиш ямаси, транспортларини сақлаш бокслари мавжуд.



Бундан ташқари ўқув илмий базада институт талаба, ходимлари ва бошқа фуқаролар учун “В” тоифали хайдовчиларни тайёрлаш курси ўз фаолиятини олиб бормоқда. 2017 йил ҳисобига ИХХ.Б РИБ рўйхатидан ҳозирги кунда 6 та гуруҳ ўтган бўлиб, ҳар бир гуруҳда 25 тадан ўқувчи тахсил олмоқда. Дарс самарадорлигини ошириш учун 4 та ўқитувчи ва 7 та инструктор фаолият юритмоқда. Ўқув курси учун тўланадиган тўлов миқдори бир ўқувчи учун 1600000 сўмни ташкил этмоқда. Институт Ўқув илмий базаси кўп йиллардан буён минглаб фуқаролар, талаба ва ишчи ходимлар учун хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мурожаат учун: Ўқув илмий база бошлиғи

Зиятов Курбанбой

Тел: 235-87-31 +99897772-08-80



Мурожаат учун: Бош муҳандис

Собиров Тожибой Собирович

Тел: 237-19-15. +99 899 824-85-97.

Бош муҳандиснинг лавозим вазифалари

- ОТМнинг муҳандислик хизматига тегишли бўлимлар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга ошириш;
- ОТМнинг муҳим объектларида техник хавфсизлиги ва техник эксплуатация қойидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- ОТМнинг мавжуд ички ресурслари ёки пудратчи ташкилотлар билан реконструкция, капитал

ва жорий таъмирлаш бўйича музокаралар олиб бориш ва иш қабул қилиш;

- Капитал таъмирлаш бўйича лойиха-смета хужжатларини, жумладан бино ва унинг эвакуация режасини таёрлаш;
- ОТМнинг моддий-техник базаси бўйича ҳар бир объект учун алоҳида материаллар рўйхатини тузиш ва таёрлаш;
- Мавжуд объектлар қайта таъмирлаш ҳамда қимат ва улкан ҳажимли ускуналарни биноларга ўрнатишга мослаштириш бўйича масалаларни ечиш ва қатнашиш;
- Бинолар техник ҳолати ва жихозланишни ҳамда ўз вақтида таъмирланишининг назоратини амалга ошириш;
- Бўйсунувчи шуъбаларга тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда уларни меҳнат хавсизлиги бўйича ўқитишни ташкил этиш.